

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергия технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу Шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун кўшиб борилади.

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳақини ёзади ва Истеъмолчи шахсий ҳисобрақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қиласди.

3.10. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифига устамалар, шунингдек, ҳисобга олинмаган энергияни қайта ҳисоб-китоб қилиш ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан хақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчининг айби билан электр энергияси Шартномада кўрсатилган ҳажмда тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия олинганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча олинган энергия жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 0.15% миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. Истеъмолчи Корхона билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.13. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

ҳисобга олиш приборлари қасдан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинлик қиладиган хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.